ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
УРГАНЧ ШАҲАР
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
URGANCH SHAHAR
HOKIMI
QARORI

220100, Урганч шаҳар, Абулғози Баходирхон кўчаси, 186-уй.

«30» июнь 2020 йил Урганч шаҳри

№ 10.55К

Урганч шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан шаҳардаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида

"Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан шаҳарда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25 моддаларини қўллаб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Урганч шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати ва харитаси иловага асосан тасдиқлансин.

2. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Н.Матякубов), шаҳар халқ таълими бўлими (Ф.Каримов), шаҳардаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Шаҳардаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим мактабларига жалб этишга шахсан маъсул эканликлари ушбу қарор билан белгилаб қўйилсин.

4. Шаҳар ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (А.Ражапов), маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида

шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим мактаблари раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатсин.

5.Ушбу қарор кучга кириши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2019 йил 7 августдаги 1990к-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор шаҳар ҳокимлигининг нашри ҳисобланган "Урганч оқшоми" газетасида эълон қилинсин.

7. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (в.в.б Б.Худайберганов) билан биргаликда;

-мазкур қарорни шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин:

-шаҳар Халқ таълими бўлими билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун - моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Н.Матякубов, А.Ражапов) зиммасига юклатилсин.

Урганч шаҳар ҳокими **Ш.Абдуллаев**

Шахар хокимининг
2020 йил " " даги
" " -сонли қарорига илова

Урганч шахрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микрохудуд)

РЎЙХАТИ

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
1	1- сон умумий ўрта таъли мактаби	Урганч шаҳар "Истиқлол" маҳалласида жойлашган кўп каватли уйлар рўйхати	Шерозий кўча 4,5,6,8,16,18,29,29/1,31
			Ўзбекистон кўча 27,28,29,29/1,31,45-уй
			Ю. Бабажанов 12,27,33,35,37,39,41-уй
			П. Махмуд кўча 6,7,8,9,11,13,15,19,22,24,26,28-уй
			П. Махмуд кўча 3-уй 2-йўлак
			П. Махмуд кўча 5-уй 2-йўлак
			П. Махмуд кўча 6-уй 2-йўлак
			П. Махмуд кўча 8-уй 2-йўлак
			А. Баходирхон кўча 189-уй
			Анна Герман кўча 11-уй
			Нукус кўча1-уй
			А. Баходирхон кўча к5-уй пр 3
			А. Баходирхон кўча4-уйпр 3
			Ал-Хоразмий кўча 33,65,67,73,75,77-уй
		Урганч шаҳар "Кўҳна Қалъа" маҳалласида жойлашган кўп каватли уйлар рўйхати	6-даҳа ,2,2А,3,4,5,6,7,8,8А,10,11,12,13,18/1,18/2,18/3,18/4,18/5,18/6,18/7-уйлар
			А. Баходирхон кўча 201,203,205,205А-уйлар
			П. Махмуд кўча 38-40,42-уйлар
			А. Баходирхон кўча201/1
			Тинчлик кўчаси 5,7,27-уйлар
			6-даҳа19/1-3 та бино янги қурилган уйлар
			Шерозий кўча 1-78-уйгача
			Шерозий кўча 1-тупик 1-19-уйчага

		Урганч шаҳар "Истиқлол" маҳалласида жойлашган хўжалик уйлар рўйхати	П. Махмуд кўча 1-тупик 1-36-уйгача
			Узбекистон кўча 33,33-А,37,37-А-уй
			П. Махмуд кўча 33 пр 1
			Ю. Бабажонов к 14-уй
			Нукус 16,18-уй
			Нукус 22кв 1,2,2-А,3
			Нукус 24-кв1,кв 2
			Узбекистон 21/1-уй
			Шерозий кўча3-уй
2	2-сон умумий ўрта таълим мактаби	9-сон " Гулзор " МФЙ,	А Баходирхон (жуфт томон) 60-36 уйлар
			А Баходирхон (кўп каватли уй) 60а,60б уйлар
			Бобур кўчаси 38-110 уйлар
			А Кодирий 1,2,3,4 йўлаклар
			Ал Беруиий (жуфт ток) 64-90 уйлар
			Махтумкули кўчаси(жуфт,ток) 322-350 уйлар
			А Кодирий кўчаси (жуфт,ток) 26-96 уйлар
			Ж Мангуберди (ток) 25-89 уйлар
		17-сон " Саховат " МФЙ	Партов кўчаси (жуфт,ток уйлар) 46-174 уйгача
			Замахшарий 1-133 уйгача
			Феруз кўчаси 35-200 уйгача
			Махтумкули кўчаси(жуфт ток) 260-320 уйлар
			Самарканд кўчаси (жуфт ток) 267-292 уйлар
		20-сон " Оби -хаёт " МФЙ	Ал Берунийкўчаси 1,2,3,4йўлаклар
			Ал Берунийкўчаси (жуфт ток) 92-185 уйгача
			Хамза кўчаси 1-6 уйлар
			Ж Мангуберди 1,4 йўлаклар
			Ж Мангуберди кўчаси ток тарафлардаги уйлар
3	3-сон умумий ўрта таълим мактаби	ҳудуд белгиланмаган	Ихтисослашган мактаб бўлганлиги сабабли ҳудуд белгилаимаган
			Жайхун кўчаси36 уй 1-16 кв гача
			Жайхун кўчаси38 уй1-48гача

4	4 - сон умумий ўрта таълим мактаби	26 - сон махалласи	Жайхун кўчаси40 уй 148
			Жайхун кўчаси42 уй 1-48 гача
			Жайхун кўчаси44 уй 1-24 гача
			Жайхун кўчаси 46 уй 1-24 гача
			Навоий кўча79 уй 1-64 кв гача
			Навоий кўча81 уй 1-48 кв гача
			Навоий кўча 83 уй 1-48 квгача
			Навоий кўча 85 уй 1-32 кв гача
			Навоий кўча 87 уй 1-56 гача
			Улуғбек кўча 81 уй 21-2 котедж
			Улуғбек кўча83 уй 1-2котедж
			Улуғбек кўча87 уй 1-48 гача
			Улуғбек кўча89 уй 1-32 гача
			Улуғбек кўча3 пр 2-20 акотедж
			Улуғбек кўча пр 3.кв 1-19хонадон
		11- махалла	Улуғбек кўча 56-79 хонадон
			Маърифатчи кўча2-42 хонадон
			Навоий кўча 54-98 хонадон
			Навоий кўча 43-67 хонадон
			Орзукўча1-40 хонадон
			Орзу кўчасипр 1.1-43 хонадон
			Орзупр 2,1-53 хонадон
			К.Отаниязов кўча 1-55 хонадон
			Мевазор кўча 2-24 хонадон
			Мевазор кўча пр 1,1-63 хонадон
		3 - махалла	Маърифатчи кўча 44-56 гача
			Улуғбек 20-50 гача
			Улуғбек 1-20 гача
		10-сон “ Навбахор ” МФЙ,	Ишчиларкўчаси1-25,2-24 уйлар 1 юлак 1-9,2-36уйлар2 юлак 1-9,2-24 уйлар3 юлак 1-25,2-24 уйлар
			Улугбек кучаси 1 юлак 2-92 уйлар2 юлак 6-48 уйлар
			Зарафшон кучаси 2 юлак 1-11,2-10 уйлар
			Истиклол кучаси 1-45 уйлар 2 юлак 1-7,2-10 уйлар 3 юлак 1-25 уйлар 13-15 уйлар
			И.Каримов кучаси 43,51,53,55-уйлар

5	5-сон умумий ўрта таълим мактабн		Жиззах кўчаси 31-33 ,30-40 уйлар
			Анна Герман кўчаси 4-10 уйлар 9,13,6,6\1,15 уйлар Анна Герман кўчаси 6/2уйлар
			Егду 1-15-уйлар
		11-сон " Авесто " МФЙ	К.Атаннязовкўчаси 61-уй 1-20 хонадон,61\1 уй 1-48 хонадон
			К.Атаниязовкўчаси 111-113-115-участка 69 -уй
			Истиклол кучаси 2-48-уйлар 2пр 4-уй,6 пр 2-уй,7 пр 6-уй,3-б -уй,10 пр 5-уй2пр 3-уй,3\2,3пр 5-уй
			Истиклол кучаси12\1,12\2,12\3,12\4,12\5,12\6- уйлар
			Проектная кучаси 88,89 уйлар
			Хлоп завод куча 3-10 уйлар
			Зарафшон тугри кучаси 48-76 уйлар
			Зарафшон кучаси 3 юлак 1-22 уйлар
6	6-сон умумий ўрта таълим мактаби	3-сон "Маърифат" МФЙ,	Фуркат кўчаси 1-55,2-42 уйлар
			Маърифатчи кўча40-100,154-172 уйлар
			Ҳ.Олимжон кўча 1-25 уйлар
			Х.Рўзмат2-30,3-9 уйлар
			Мукимий кўча 2-10,1-21 уйлар
			Фаязова кўча1-39 уйлар
			А.Темур кўча 1-73,2-116 уйлар
			Огоҳий кўча 1-33,2-66 уйлар
			С.Ничепуренко кўчаси 1-93,2-56 уйлар
			Улуғбек кўча 18-50 уйлар
			Проектная кўча 168-168А-кварталдаги барча уйлар киради
		8-сон "Гулшан" МФЙ,	П.Махмуд берк кўча 1-93,2-84 гача
			П.Махмуд 92,108,101,119-уйлар
			А.Баходирхон 111А,129-175 (тоқ томони)
			А.Хоразмий кўчаси 58,60,62-уйлар
			Ўзбекистон овози82-120 гача
			Тараққиёт 4 ёток,1 йўлак 1-49 гача
		15-сон "Хамжиҳатлик" МФЙ	А.Баходирхон 116-146
			Фаравонлик 2-22,1-15 гача
			П. Махмуд 4-йўлак 1-18,5-йўлак 1-18,6 - йўлак 1-9.

7	7-сон умумий ўрта таълим мактаби	36-сон "Олма-боғ" МФЙ	Тараққиёт 13,15,17,19
			П. Махмуд 23а,23,25,25а.
			Тараққиёт 21,7,7а.
			П. Махмуд 29,31,27,27а.
			П. Махмуд 19,19а,21,21а
			П. Махмуд 5,7,9,9а
			Тараққиёт 1,3,5
			Узбекистон овози 33а ва
			А.Хоразмий 40,50,52
			П. Махмуд 1,11,13,15,17
			А.Хоразмий 46а,48а,
		31-сон "Гулчилар" МФЙ	П. Махмуд 2,2а,3а,3б,3в,3г,3д,3/1,3/2,16,18,20-уйлар
8	8-сон умумий ўрта таълим мактаби	1-сон “Мустакиллик” МФЙ	Низомий кўча 1-27,2-28 уйлар
			Самарқанд кўча1-109,2-116-уйлар
			Махтумкули кўча 1-87,2-116-уйлар
			Дўстлик кўча2-30,3-9-уйлар,37-63,тупик 1-24 уйлар
			А.Темур кўчаси 1-73,2-116-уйлар
			А.Баходирхон кўча222-250 уйлар (жуфт сонли уйлар)
			А.Темур кўча157-169,222-246 уйлар
			8-март кўча 1-23,2-28 уйлар
			Саккский кўча 1-17,2-200 уйлар
			А.Баходирхон кўча 212,212-А,212-Б,212-Д,214,216,218,220 -уйлар
			Дўстлик кўча 8-уй
			Махтумкули80/ 2,80/3 уйлар
			Самарқанд кўча91,93,100,104,106-уйлар
			Тинчлик кўча 2-А,2-Б,2-В,2-Г,3,33-уйлар
9	9-сон умумий ўрта таълим мактаби	12-сон “Машъал” МФЙ	Хива кўчаси
			Хива кўчаси 1,2,3,4 йўлаги.
			Хива кўчаси 1,2,3,4 берк кўчаси
			Ташауз кўчаси
			Хонқа кўчаси 2-34 уйлар
			Искандар Досов кўчаси
			И.Досов кўчаси 1 йўлаги
			Абай кўчаси

			Термиз кўчасининг жуфт тарафи
			Термиз кўчаси 1 йўлак.
			Ешлик кўчасида 4 та хонадон
			Казарма 42 уй
			Янгиариккўчаси
10	**10-сон умумий ўрта таълим мактаби**	1-сон "Мустакиллик" МФЙ	А.Баходирхон кўча 212-А,212-Б,212-Д,214,216,218,220 -уйлар
			Дўстлик кўча 8,37-63 уйлар.Дўстлик кўчаси 1 тупик 1-24 уйлар
			Махтумкули кўчаси1-87,2-116 уйлар
			Махтумкули кўчаси 80/2,80/3 уйлар
			Низомий кўча 1-28 уйлар
			Саккокий кўча1-20 уйлар
			Самарқанд кўча 91,93,100,104,106-уйлар
			Тинчлик кўча2-А,2-Б,2-В,2-Г,3,33-уйлар
			Тинчлик кўча 33-47,24-78 -уйлар
			Шабнам 1-28 уйлар
			Ал-Хоразмий кўчаси 79,81,85-уйлар
			Ал-Хоразмий кўчаси 1 тупик 1-3-уйлар
			А.Темур кўча157-169-уйлар
11	**11-сон умумий ўрта таълим мактаби**	6-сон " Беш мерган" махалласи	1. Н.Кубро 2,2А,4,6,8,10,12,14,16,18,20,22,24,26,28,30,32,34,36,38,40,42,44,46,48,50, 52,54,56,58,60 уйлар
		27-сон Дўстлик" " махалласи	1. Ал-Хоразмий кўчаси 19-54 уйлар
			А.Баходирхон кўча 33-37 уйлар
		28-сон " Темир юлчи" махалласи	1. Хонка кўчаси 36-68- уйлар
			1. Галаба кўча1-20 уйлар
			Термиз кўча 1-33 уйлар
12	**12-сон умумий ўрта**	9-сон "Гулзор" МФЙ	Гафур Гулом кўчаси 2-20 уйлар
			А. Қодирий кўчаси1-60 уйлар
			Бобур кўчаси2-52 уйлар
			У. Бердимурадов кўчаси2-40 уйлар
			У. Бердимурадов кўчаси 1 йўлак
			Ж. Мангуберди кўчаси 1-26 уйлар
			А. Беруний кўчаси 2-60 уйлар
			А. Беруний кўчаси 3,5,7,11,13,15,17,19,21,23,25,25-а уйлар

	таълим мактаби	
		7 - сон "Шодлик" МФЙ
13	13-сон умумий ўрта таълим мактаби	5 - сон "Ал - Хоразмий" МФЙ

Ўзбекистон овози 1-441,3,5,25 уйлар
Партов кўчаси (жуфт,ток) 1-46 уйлар
Ғафур Ғулом кўчаси3,19,5,5-б,3,3-а,5,5-а,5-б,7,9,11,13,15уйлар
А. Баҳодирхон (жуфт)2-60 уйлар
Надмес 1,2,4,6,8.10,12 уйлар
Феруз кўчаси1-34 уйлар
А. Баҳодирхон 43 уй 43/1,43/2,43/3 уйлар
А.Иброгимов кўчаси пр 5 1-31 гача
А.Иброгимов кучаси пр 6 1-32 гача
Шарк кучаси 1-73 уйгача
Ойбек кўчаси 2 пр 1-10 гача
Ойбек кўчаси 3 пр 1-22 гача
Ойбек кучаси 3 пр 1 тупик 2-18 гача
Ойбек кучаси 3 пр 2 тупик 1-11 гача
Шалола кўчаси 2-34 гача
Ал -Хоразмийкўчаси70-115 уйлар
Ал-Хоразмий кўчаси 98 корпус 1 вк-18 кв гача
Ал-Хоразмий кучаси 100 корпусдаги 1 вк-18 кв гача
Ал-Хорзмий кўчаси 102 корпус 1-12 гача
Ал-Хорзмий кўчаси 202 уй 1-24 гача
Ал-Хорзмий (обше жит)19 уй
А.Баҳодирхон кўча 160 кв:1-160кв 2-169,3-160кв,4-174,174-Агача
Шарк кўча 1-56 гача
Шарк кўча 2-8 гача
Алпомиш кўча 1-31 пр гача
Алпомиш кўча 33-35 гача
Самарканд кўча 111-200 гача
Самарканд кўча 1пр 1-18 гача
Самарканд кўча 2пр 1-20,20-а гача
Махтумкули кўчаси 2 пр 28-62 гача
Махтумкули кўчаси 89-218- гача
Махтумкули кўчаси 1 пр 1-2,2 а-4 гача
Махтумкули кўчаси 2 пр 1-24 гача
8-МАРТ кўчаси 25-165 гача

			Р.Бекниёз кўча жуфт ток томони 1-29 гача
			Ўзбекистон овози кўчаси жуфт ток 33-55 а,122-144гача
		33 - "Камолот" МФЙ	Бўстон кўчаси 1-39 гача
			Суғдиёна кўчаси 1-44 гача
			Аерапорт кўчаси 1ва 2 44-44гача,1а,1б,1вуйлар
			И.Обод кўчаси
			Ифтихор кўчаси
			Миришкор кўчаси
			Мурувват кучаси
			Чинор кўчаси
			Афросиёб кўчаси
			Камолот тўғри кучаси ва 6,7,8,9,10 йўлаклари Сатимов кўчаси
			Сатимов кучаси
14	14 - сон умумий ўрта таълим мактаби	37-сон "Ж.Мангуберди " МФЙ,	Гурлан кўчаси 9/1,11,11А,13,15,17,17А,19,21,31,33,35,37,47,49,51.53,59,40А,11/10,61-уйлар
		24-сон "Тоза боғ"	3 Даха 1,3,5,7,9,11,13,15,17-уйлар
		2-сон "Феруз"	Ибн Сино кўчаси 1-уйдан 57-уйгача
			Бухоро кўчаси 1-уйдан 70- уйгача
			А.Темур кўчаси йўлак билан
			Содиков кўчасидаги уйлар
			II.Махмуд кўчаси 46/3,46/4,342,344,346-уйлар (Парк билан 3-даха кесишмаси)
			Маърифатчи кўчаси (II Махмуд,Бухоро кўчалари кесишмаси)
		25-сон " Умид " МФЙ	Гурлан кўчаси 1,3,5,7,9,9/1,69,71- уйлар
			А Темур кўчаси 141/1,145,147,149,149А,151,153,157-уйлар
			Бухоро кучаси 13,14А,15,16,28-уйлар
15	15-сон умумий ўрта таълим мактаби	31- сон «Гулчилар»МФЙ	Ал Беруний кучаси3\56.5\44. 7\44. 9\44,13\44 13 А \44.15\44.15А\44. 17\44 19\44.19А\44 23\44.25\44.25А\44.27\44.бўлган уйлар
			Ўзбекистон овози кўчаси23.25.25А.29А.31.33А бўлган уйлар
			Пахлавон Махмуд . Пахлавон Махмуд ётокконаси 3\3уй.2\32.2А\96.3А.3Б.3В.3Дуйлар18хонадонли.3\13\2уйлар 32хонадонли.18.20.22уйлар 44-хонадонли.

16	16-сон умумий ўрта таълим мактаби	13-сон “Янги хаёт” МФЙ,	Н.Кубро 1 йулак 28 дан ,29,37,24,20,23 гача
			Н.Кубро тугри куча 39 уй
			Фаргона тугри куча 52 уй
			Фирдавсий 1 юлак 62 ва 40 уй
		32-сон “Бўстон” МФЙ	Н.Кубро 11А 24 кв; 25 пр 7-24 кв; 27пр7-24 кв гача ; 122 уй 16; 124 уй 22; 126 уй 16; 128 уй 16; 68/8 уй 24;68/9 уй 30; 11 уй 7 йўлак 4; 17 а уй 4;17,7 йўлак 4; 19 уй 2; 21 уй 7 йўлак 2; 23 уй 7 йўлак 2; 70 уй 16 (катеж); 70/4 уй 1; 72 в уй 1; 72 уй 16(катеж).
			Р.Гаипов 41/1-16 кв; 41/2-16 кв; 41/3-16 кв; 41/4-16 кв; 12 уй 24; 22уй 12; 31 уй 28; 39 уй 32; 41 уй 12; ; 29 уй 6; 33 уй 6; 37 уй 2; 37 уй 2; 39 уй 4; 47 уй 4; 47 а уй 3(катеж); 39а -1-24 кв; 49/3-1-24 кв
			Н.Кубро 11-4 уй(катеж); 17-2 уй(катеж) ; 21-4 уй(катеж); 66-11 уй; 66-12 уй
			Тошкент 12/1-22 уй; 12/2-22 уй; 12/3-22уй; 12/4-16 уй; 12/4 б уй;
			Р.Гаипов 17/5-24 уй; 31/2-8уй ;33-24 кв; 33а -24 кв; 31а-24 кв; 49а-24 кв; 49 б-24 кв; 12-24уй; 49/3-24 кв; 39-32 кв; 39а-24 кв;
			Т.Малик 36 уй ; Т.Малик 1 тупик6
			Хонка кучаси 134 уй 1;
		6-сон "Беш мерган" МФЙ	Тошкент 50 хонадон
			Фирдавсий тугри куча 67 хонадон
			Р Гаипов тугри куча 32 хонадон .....
			Хонка тугри куча 74 хонадон
			Хонка туп 1 туп 14,2 туп 12,3-12 хонадон
			С.Рахимов тугри куча 9 хонадон
			Фирдавсий 1 юлак 24 хонадон
			Фирдавсий 2 юлак 22 хонадон
			Фирдавсий 3 юлак 26 хонадон
			Фирдавсий пр 1-48 хонадон пр 3-52 хонадон
			Д.Матчон 25 хонадон
			П.Махмуд кўчаси (жуфт уйлар) 10-38 уйгача
			П.Махмудпр 1.2-18 А уйгача
			П.Махмуд кўчаси пр 2. (жуфт ток уйлар) 2-22,1-19уйгача
			П.Махмуд кўчаси пр 3. (жуфт,ток уйлар) 2-22,1-19 уйгача
			П.Махмуд Котдеж (ток уйлар) 5-41/1 уйгача

17	17-сон умумий ўрта таьлим мактаби	4-сон " Юкори бог " МФЙ	П.Махмуд кучаси туп 5. (жуфт,ток уйлар) 2-8,1-9 уйгача
			М.Хоразмий 4-52 А
			М.Хоразмийпр 1.(ток,жуфт)1-47,2-48 уйгача
			Махтумкули кўчаси(жуфт,ток) 244-302,181-245 уйлар
			Махтумкули кўчаси пр 4(жуфт,ток) 2-54 ,1-57 уйлар
			Самарканд кўчаси пр 3(жуфт,ток) 2-36 ,1-31 уйлар
			Самарканд кучаси пр 4(жуфт,ток)22-66,68-146,70,112 ,1-79,81,уйлар
			Амударё(жуфт ,ток)2-48 А,69-85.уйлар.
			Э.Рахим.54 А-68 уйлар.
			Э.Рахим 78-82/1,65 уйлар.
		15-сон "Хамжихатлик" МФЙ	А.Баходирхон(жуфт) 116-158 уйлар.(жуфт)
			П.Махмуд кўчаси (жуфт,ток уйлар)40-88 А ,43-99 уйлар.
			П.Махмуд кўчаси пр 6. (жуфт ток уйлар) 40-88 А,1-39уйгача
			П.Махмуд кўчаси пр 5. (жуфт ток уйлар) 2-52,1-49уйгача
			П.Махмуд кўчаси пр 4. (жуфт ток уйлар) 2-56,1-61уйгача
			Янги аср кўчаси . (жуфт ток уйлар) 2-24,1-17уйгача
			Самарканд кўчаси пр 4. (жуфт ток уйлар) 212-274,211-265.уйгача
			Фаровонлик кўчаси . (жуфт ток уйлар) 2-54 А,1-31уйгача
			Фаровонлик кўчаси туп 2. (жуфт ток уйлар) 2-8,1-9уйгача
			Фаровонлик кўчаситуп 3. (жуфт ток уйлар) 2-10,1-7уйгача
			II Махмуд кўчаси 2- 4берк куча. (жуфт ток уйлар) 2-8,1-9уйгача
			Фаровонлик кўчаси пр 4. (жуфт ток уйлар) 2-54 А,1-31уйгача
		17-сон "Саховат" МФЙ	Мустакиллик кучаси 29/1,29/2,29/3,29/4-31-уйдак 55-уйгача (ток томонидаги уйлар
			Амударе кўчаси 1-йўлак барча уйлар.
			Жамбул кўчаси 29-уйдан 61-уйгача (ток томони)
			Мунис-Хоразмий кўчаси 1-йўлаги барча уйлар
			1-уйдан 68-уйгача (ток ва жуфт томонидаги уйлар)
			24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35,36,37,43, 52,53/3,55,57,59 уйлар

18	18-сон умумий ўрта таълим мактаби	29-сон " Байналминалчи " МФЙ,	[illegible] уйлар Проектная 172-квартал
		24-сон " Тоза бог " МФЙ	2,4,6,8,10,12,14,16,18,20,21,22,23,24,25,26,27,28 уйлар
		37-сон " Ж.Мангуберди " МФЙ	15,25,27,29,31 уйлар
19	19-сон умумий ўрта таълим мактаби	30-сон " Олимпия " МФЙ,	4-дахадаги 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,10/1,10/2,10/3,10/4,10/5,10/6,11,12/1,12/2,12/3,14,15,16,17/1,17/2,17/3,42-уйлар киради
			3-даха 29,30,31,33-уйлар
			Гурланкучаси 41,43,45-уйлар
			Фаязова кучасидаги 29/1,29/2,29/3,29/4,29/5,29/6,29/7,29/8,29/9,29/10,29/11,29/12,29/13,29/14,29/15,29/16,29/17,29/18,29/19,29/20,29/21,29/22,29/23-уйлар киради
			Проектная173 кварталдаги барча участка уйлар
20	21-сон ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби	ҳудуд белгиланмаган	Ихтисослашган мактаб бўлганлиги сабабли ҳудуд белгиланмаган
			Ободончи куча 2 уйдан-60 уйгача

21	22-сон умумий ўрта таълим мактаби	34-Зиекор МФЙ	Навбахор кўча 56 уйдан-90 уйгача
			Кора кум куча 1 уйдан-91 уйгача
			Кизил кум кўча 2 уйдан-94 уйгача
			Нурли кўча 1 уйдан-112 уйгача
			Урганч350 кўча 1 уйдан-126 уйгача
			Хива2500 кўча 1 уйдан-124 уйгача
			Навруз кўча 38 уйдан-92 уйгача
		21-Навруз МФЙ	Маъшал Хоразм кўча 41уйдан-138 уйгача
			Янги обод кўча 41 уйдан-131 уйгача
			Пахтакор кўча 46 уйдан-146 уйгача
			Зиекорлар куча 36 уйдан-80 уйгача
			Намуна кўча 1 уйдан-49 уйгача
			Навбахор нр-5 кўча 35 уйдан-159 уйгача
			Навруз по кўча 1 уйдан-25 уйгача
			Буюк турон кўча 32 хонадон
			Зиекор кўча 39 хонадон
			Маъшал Хоразм кўча 44 хонадон
			Пахтакор кўча 44 хонадон
22	23-сон умумий ўрта таълим мактаби	19-сон " Бобур " МФЙ,	Т.Малик тўғри кўча 1,2,3,4,5-кўчалар
			Р.Ғаипов тўғри кўча 2/1; 2/2-кўчалар
			Гужумзор 2/2
			Хонка кўчаси 115,115а,113,119,125,127,127а
			Р.Ғаипов 60,50 дом
			Халқ сўзитўғри кўча 1,2,3,4-кўчалар
			Лочин тўғри кўча 1,2,3-кўчалар
			Н.Кубро тўғри кўча пр 11
			Оби-хаёт тўғри кўча 1,2,3,4,5-кўчалар
			Хонка 117 тор кўча
			Т.Малик 1/1
23	24 сонли ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаби	ҳудуд белгиланмаган	Ихтисослашган мактаб бўлганлиги сабабли ҳудуд белгиланмаган

24	25 - сон ўрта таълим мактаби	16 - сон "Янги обод" МФЙ	Туркистон тўғри кўча 1-45
			Туркистонкўчаси 1,2,3,4,5,6-йўлаклардаги барча уйлар
			Хонка кўчаси
			Бунёдкор кўчаси
			Туркистон кўчаси 7,8-йўлаклардаги барча уйлар
			Проектная 177-кварталдаги участка уйлар
			Халк сузи 5-6 юлак
25	26-сон умумий ўрта таълим мактаби	35 - сон "Бинокор" МФЙ	Бинокор кўчаси 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 йўлаклар
			Бинокор тўғри кўча (жуфт ток)
			Партов 1,2 йўлаклар
			Пушкин тўғри кўчаси (жуфт ток)
		18-сон " Жамбул " МФЙ	Пушкин 1-юлак
			Партов кучаси 155-200 гача (жуфт ток)
			Мустакиллик кучаси ва 2,3-юлаги
			Ал-Беруний кучаси
		20-сон " Оби -хаёт " МФЙ	Проектная 163 А
			Ал Беруний тўғри кўчаси (жуфт ток) 186-217 уйгача
			Жайхун тўғри кўчаси
			Жайхун 1,2,3,4,5,6 йўлаклар
			Ж Мангуберди кўчаси жуфт тарафлардаги уйлар
26	28-сон умумий ўрта таълим мактаби	27-сон " Дустлик " МФЙ,	Наманган кучаси 3,5,7а,7/5,7/6,7/7,7/11,7/12,7/13,10,12,12а,14,15,16,17,18,20,22,24,25/1,28, 30,32,34,35,35/1,36,37,38,39,40,41,42,43,45,47,48,49,50,51,52,53,54-уйлар
			Ал Хорезми кучаси 19,20,21,22,23,23/1,24,24а,24б
			Хонка кучаси 19,19/1,21,25,27,29,31,33,35,37
			А.Баходирхон кучаси 33,35,35а,37
			Термез кучаси 1,3,7,9,11,13,15,17,19,21,23,25,27,29,31,33,35,37,39,41,51,31а,33а,9а,23/1, 21/2,25/1
			Ал Хорезми кучаси 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,6а,8а

		28-сон “ Темир Юлчи ” МФЙ	Хонка кучаси 28,30,36/3,36/4,38а,38б,42,44,46,48,50,52,54,56,58,60,62/1,62/2. 62/3,62/4,62/5,62/6,62/7,68а,68/1,39-101,1 пр.д.1
			Темир юлчи кучаси 1,3,14,22,24а,26,29 пр.1 -2,4,6,8,10,12/1,29/1
			Бустон кучаси 32а. 5а.11,12,14,16,2/1
			Наманган кучаси (жуфт)2,4,6,8
			Казарма 41,1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12
			Ёшлик кучаси 15/1,19,21
			А.Баходирхон кучаси 5,7,9,11,11/1
			Галаба кучаси 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20
27	29-сон умумий ўрта таълим мактаби	12 сон Машъал маҳалласи	Янгиарик кучаси 5,7,7/1,9,9/1,11,11/1,13,15,17,19,21,23-уйлар
			Ёшлик кучаси 1,2,3,4,5,6,7,8,9,28,30,30/1-уйлар
		28 сон Темир юлчи маҳалласи	Ғалаба кўчаси 1-20 уйлар
			Хонка кўчаси 1-17,42,44 уйлар
			Термиз кўча 1-33 уйлар
28	30 - сон ўрта таълим мактаби	33-сон "Камолот" МФЙ	Обод кўчаси 1-55 уйгача
			Шодлик кучаси: 1-52 уйлар
			Тонг кўчаси1-15 уйлар
			Тонг кўчаси,1-йўлак 1-53 уйлар
			Ал Хоразмий кўчаси 93-271факат ток рақамлари.
			Ал Хоразмий кўчаси108 уй
			Мажнунтол кўчаси 1-41 уйгача
			Камолот тўғри кўча 1-26 уйлар
			Камолот 1-йўлак 1-35 уйлар
			Камолот 2-йўлак 1-21 уйлар
			Камолот 3-йўлак 1-6 уйгача
			Камолот 4-йўлак 1-9 уйгача
			Камолот 5-йўлак 1-16 уйгача
			Камолот 6-йўлак 1-71 уйгача
			Камолот 7-йўлак 1-74 уйгача
			Камолот 8-йўлак 5-43 уйгача
			Камолот 9-йўлак 1-32 уйгача
			Камолот 10-йўлак 1-34 уйгача
			Камолот 11-йўлак 1-28 уйгача

			Камолот 12-йўлак 1-24 уйгача
			Камолот 13-йўлак 4-18 уйгача
			Камолот 14-йўлак 1-22 уйгача
			Камолот 15-йўлак 2-15 уйгача
			Мурувват кўчаси 5-63 уйгача
			Чинор кўчаси 1-60 уйгача
			Миришкор кўчаси 3-55 уйгача
			Афросиёб кўчаси 6-82 уйгача
			Исламобод кўчаси 2-75 уйгача
			Ифтихор кўчаси 1-83 уйгача
29	**31-сон умумий ўрта таълим мактаби**	21-сон "Наврўз " МФЙ,	Шифокорлар кўчаси 76 та хонадон
			Шифокорлар пр 1 30 та хонадон
			Шифокорлар пр 2 32 та хонадон
			Шифокорлар пр 3 36 та хонадон
			Шифокорлар пр 4 33 та хонадон
			Шифокорлар пр 5 38 та хонадон
			Шифокорлар пр 6 37 та хонадон
			Курувчилар нр 1 56 та хонадон
			Курувчилар пр 2 54 та хонадон
			Курувчилар нр 3 52 та хонадон
			Курувчилар пр 4 64 та хонадон
		38-сон " Исломобод " МФЙ	178 праектная 176 та хоиадон
			178-А праектная 174 та хонадон
			181 праектная 107 та хонадон
			181-А праектная 117 та хонадон
			181-Б праектная
			179 праектная 46 та хонадон
			Фидокорлар171 квартал 214 та хонадон

Yangi Urganch

2020-yil 21-oktabr №1 (588). 2001 y. 1-sentabrdan chiqa boshlagan

Urganch shahar hokimligining gazetasi

21 oktabr - O'zbek tili bayrami kuni

Урганч шаҳар ҳокимининг 2019-2020 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари ҳамда уларнинг ота-оналарига МУРОЖААТНОМАСИ

Ҳурматли битирувчилар ва уларнинг ота оналари !

Урганч шаҳридаги умумтаълим муассасаларини 2019-2020 ўқув йилида 2651 нафар ўқувчилар битказдилар. Шундан, 1644 нафарини ўғил болалар, 1007 нафарини қиз болалар ташкил қилади.

Йил давомида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра 2651 нафар битирувчилардан 2537 нафари (яъни 98,7 %) Олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдиришаган ва уларнинг бачрчаси олийгоҳларга ҳужжат топширишган.

Имтиҳон натижаларига кўра 844 нафар (32%) битирувчилар олий таълим муассасаларига қабул қилинди.

Олий таълим муассасаларига қабул қилинган ўқувчилардан 144 нафари давлат гранти асосида, 700 нафари тўлов шартнома (контракт) асосида олийгоҳларда таълимнинг кейинги босқичида таҳсил оладилар.

Қувонарлиси, 99 нафар битирувчиларимиз хорижий олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилиндилар.

Олий таълим муассасаларига киролмай қолган 1807 нафар битирувчилардан келажакдаги фаолиятини ўрганиш мақсадида махсус сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижасига кўра техникумларга ҳужжат топширадиган битирувчилар 94 нафар, коллежларга ҳужжат топширадиган битирувчилар 38 нафар, мономарказларда касбга тайёргарлик кўриш истагини билдирганлар 88 нафар, ўзини-ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланадиганлар 380 нафар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлар 139 нафар, ижтимоий инфратузилма обектларини қурилиш ишларида қатнашиш истагини билдирганлар 32 нафар, "Ҳар бир оила тадбиркор" , "Ёшлар келажагимиз" Давлат дастурлари асосида кредит олиш истагини билдирганлар 12 нафар, ўқув марказларида олий таълим муассасаларига кейинги йилга тайёрланиш истагини билдирганлар 688 нафар, бошқа йўналишларга жалб қилинадиган битирувчилар 347 нафарни ташкил қилди.

Битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳохиш истакларини инобатга олиб йил якунига қадар барча битрувчи ёшларимизни бандлигини таъминлаймиз.

Эътиборингиз учун рахмат !!!

УРГАНЧ ШАҲРИДА «МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИ МУНОСИБ ЭГАЛАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020- йил 26- майдаги Фармонига асосан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзларининг беғараз ҳомийлик ёрдами, бугунги мураккаб ва оғир шароитда жамиятда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашдаги фаоллиги билан барчага ўрнак бўлаётган бир гуруҳ юртдошларимиз "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Бугун ушбу юксак мукофот Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Игамбергенов ҳамда Урганч шаҳар ҳокими Ш.Абдуллаев бошчилигида ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

"ЯНГИ УРГАНЧ" ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ЖАМОАСИГА!

Газетанинг янги талқинда, янгича ном билан чоп қилиниши ахборот майдонида ўзига хос янгилик бўлди. "Янги Урганч" газетаси шаҳарликларнинг том маънодаги сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётини, кундалик тумуш тарзини, тинимсиз давом этаётган юксалишлар жараёнида ўзига хос ўрнини, янгиликларга тўла ижодий муҳитини ёрқин ифодалайоладиган, ҳамма бирдек севиб мутолаа қиладиган нашрлардан бирига айланишига шубҳа йўқ. Негаки, оммавий ахборот воситалари бугунги кунда тўртинчи ҳокимият сифатида халқнинг минбарига айланди.

Шу маънода, мазкур нашр ҳам ўзига хос овози ва сўзи билан минглаган газетхонларнинг хонадонларига кириб боради. Бир сўз билан айтганда, янгиликларга ташна, шу азиз шаҳарни ардоқлаган, севган маърифатпарвар инсонлар қалбидан янада чуқурроқ ўрин олади.

Дилбар БЕКЧАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар Агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси бошлиги

Азиз ҳамкасблар!

Энг аввало, Сизларни "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари бирлашган таҳририяти жамоаси номидан Урганч шаҳрида "Янги Урганч" газетаси чоп этилаётганлиги муносабати билан чин дилдан самимий қутлаймиз.

Урганч шаҳар ҳокимлигининг "Янги Урганч" газетаси бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ана шундай янгиланишларни, улугвор ишларни, замондошларимизнинг фидойиликларини, миллий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни янада кенг таргиб қилишда журналистиканинг барча жанрларидан фойдаланган тарзда самарали фаолият юритишга тилакдошмиз.

Ҳамкасбларимизни "Янги Урганч" газетасининг дастлабки сони чоп этилганлиги билан самимий табриклаймиз.

Солияжон РАҲИМБЕРГАНОВА,
"Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири вазифасини бажарувчи.

Матбуот ва ОАВга давлат раҳбари томонидан эътибор қаратилиб, маҳаллий ҳокимликлар, идора-ташкилот раҳбарлари оммавий ахборот воситаларидан қочиб эмас, ҳамкорликда фаолият юритишлари талаб қилинаётгани таҳририятлар ва ижодкорлар учун яна бир имконият.

Хусусан, Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланган кун - 2001 йилнинг 1 сентябрида "Урганч оқшоми" газетасининг илк сони чоп қилинган бўлса, эндиликда "Янги Урганч" номи билан нашр этилаётган ушбу газета фақат номи билан эмас, ўзининг янги қиёфаси, янги сўзи, янги журналистик жанрлари билан янги ижодкорларни кашф этиб, матбуот оламига кириб келади. Газета фақат чоп қилиниши баробарида, ўзининг интернет саҳифаларини ҳам бирдек олиб бориши, ҳар қандай турдаги ОАВ билан рақобатлаша олишидан дарак. Бунда янгиланган газета жамоасига фақат юксак парвозлар ёр бўлишини ният қиламиз.

Ўткир МАТҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилоят бўлими раиси.

УРГАНЧ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Урганч шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан шаҳардаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида



"Таълим тўғрисида" ги Қонунининг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан шаҳарда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25 моддаларини қўллаб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Урганч шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати ва харитаси иловага асосан тасдиқлансин.

2. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Н.Матякубов), шаҳар халқ таълими бўлими (Ф.Каримов), шаҳардаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Шаҳардаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим мактабларига жалб этишга шахсан маъсул эканликлари ушбу қарор билан белгилаб қўйилсин.

4. Шаҳар ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (А.Ражапов), маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим мактаблари раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Ушбу қарор кучга кириши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2019 йил 7 августдаги 1990қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор шаҳар ҳокимлигининг нашри ҳисобланган "Янги Урганч" газетасида эълон қилинсин.

7. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (в.в.б Б.Худайберганов) билан биргаликда;

- мазкур қарорни шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин;

- шаҳар Халқ таълими бўлими билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун -моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Н.Матяқубов, А.Ражапов) зиммасига юклатилсин.

Урганч шаҳар ҳокими **Ш.АБДУЛЛАЕВ**

2020 йил 30 июль. Урганч шаҳри

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Урганч шаҳри мисолида



Қишнинг қор-қировли, қаҳратон кунлари ҳар бир хонадон соҳиби ва бу мавсумда табиий газ етказиб берувчи корхоналар ходимларидан тайёргарлик ишларини ўз вақтида сифатли қилиб бажаришни тақозо этади. Бу борада "Ҳудудгаз" Хоразм газ таъминоти филиали, шаҳар ва туман газ таъминоти бўлимларида куз-қиш мавсумига ҳозирлик ишлари якунланиш арафасида. Ушбу даврда истеъмолчилар фойдаланувида бўлган газ жиҳозлари ҳавфсиз, бир маромда ишлашини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Шу юзадан "Урганч шаҳар газ"газ таъминоти томонидан истеъмолчилар фойдаланувидаги жиҳозларни техник кўрикдан ўтказиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш ишларини амалга ошириб, газ жиҳозларининг соз ҳолатда бўлишини таъминламоқдалар.

Аҳоли хонадонлари ва ташкилотларда ўтказилган техник тафтиш пайтида аниқланган носозликлар ўз вақтида бартараф қилиниб, ис газидан заҳарланиш, ёнғин чиқиши каби рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ходисаларнинг олдини олишга ҳаракат қилишмоқда. Энергия тежамкор газ горелкалари ўзининг юқори самарадорлиги билан ностандарт, қўлбола горелкалардан фарқ қилади. Ушбу ускуналар куз-қиш мавсумида табиий газдан тежамкорлик билан фойдаланиш имконини беради. Бир дона бундай горелка ушбу мавсумда қарийб 1800м/куб зангори ёқилғини иқтисод қилиши мумкин. Аҳоли билан олиб борилаётган профилактик суҳбатларда бу ҳақида батафсил тушунчалар берилмоқда.

-"Олдинлари қўлбола горелкадан фойдаланар эдик. Сўнгра "Урганч шаҳар газ"газ таъминоти ҳодимлари томонидан тавсия этилган газ горелкаларидан ўрнатдик. Ҳақиқатан икки баробар тежамкор горелка экан. Бу билан табиий газни тежаймиз ва ўзимиз ҳам иқтисодий томондан тўловларда қийналмаймиз", дейди фуқаро Эргаш Ниёзов.

"Урганч шаҳар газ"газ таъминоти ҳодимлари томонидан хонадон эгалари ва корхона ҳамда ташкилотларда техник хизмат кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

Ижтимоий ҳаёт

ШАҲРИМИЗДА ЯНА БИР КЎЧА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ



Эътироф этиш жоизки, сўнги йилларда шаҳримизда йўлсозлик соҳасини ривожлантириш, йўлларни халқаро талаблар даражасига етказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда шаҳримизнинг ҳар бир чеккасида замонавий текис йўллар, йўл ўтказгичлар, пиёдалар учун йўлакчалар, кўприклар барпо қилинмоқда.

Шу кунларда шаҳримиздаги «Наврўз» маҳалласининг ички йўлларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу маҳаллада жойлашган «Наврўз» кўчасининг 1500 километри яни 5200 метр квадрат қисмига асфалт ётқизилди.

Бу йўлнинг текис ва равон бўлганидан маҳалла аҳолиси жуда хурсанд.

Зеро, ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришлар негизида инсонларни рози қилишдек эзгу амал туради.

ТИЛДА МИЛЛАТ РУҲИ ЯШАЙДИ



Ҳаммамизга яхши аёнки, ҳар бир халқнинг, миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган қадриятлари мавжуд. Бу қадриятларни у бошқа ҳеч қаердан тополмайди. Бу – унинг ватани ҳамда тилидир.

Бугун 8 млрд га яқин дунё аҳолиси 7 мингга яқин тилда гаплашади. Бу тилларнинг бор-йўғи 100 га яқини давлат тили мақомига эга. Улар орасида давлат тили сифатида ўзбек тилининг ҳам борлиги, албатта, тилимизнинг нуфузини кўрсатади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали анжуманда муҳтарам Президентимиз ҳам"Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг алласини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин" деб айтган эдилар. Бу борада Абдулла Авлоний тилда – миллат руҳи яшайди, дейди.

Бугунги глобаллашув жараёнида, ахборот технологиялари тараққиёти даврида тилнинг софлигини сақлаб қолиш, уни миллий бойлик сифатида асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш масаласи жуда муҳим жараёндир.

Бугун шиддат билан ривожланаётган замонда тилимизга турли сўзларнинг шиддат билан кириб келаётгани ҳам ҳақиқат.

Биз март ойидан кенг кўламда ишларни энди бошлаганимизда, бутун дунёни қамраб олган пандемия шароити туфайли ишларимиз анча муддат тўхтаб қолди. Август ойидан босқичма – босқич карантин қоидаларининг юмшатилиши ортидан биз ҳам ўз фаолиятимизни яна кучайтирдик.

Ўтган шу қисқа муддат ичида шаҳардаги маҳаллаларда жойлашган барча турдаги объектлар номларининг базасини яратиб олдик. Шунингдек, ишчи гуруҳи тузиб, ташқи ёзувларнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини ўргандик. Биз бу ишни ҳозир дастлаб марказий кўчадан бошладик. Гувоҳи бўлдикки, баъзи ташқи ёзувларимиз хорижий тилда ёзилган, баъзилари давлат тилида ёзилган бўлсада, имловий хатоликларга йўл қўйилган. Аниқланган барча ҳолатлар бўйича тадбиркорлик субъектлари билан тушунтириш ишлари олиб борилди,уларнинг кўпчилигини бугунги кунда бартараф этишга эришилди. Жумладан, биргина марказий кўчада 15 та пешлавҳалар янгиланди. Ушбу кўча бўйлаб жойлашган 14 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари бу ишда бизга яқиндан кўмакдош бўлишмоқда. Шу билан бирга, шаҳардаги бошқа ҳудудларда ҳам бу жараён давом этмоқда. Айни дамда кўчалардаги, бозор ва савдо шохобчаларидаги, шаҳар ва туманлараро йўллардаги 77 та ёзувлар қонун талаблари асосида ўзгартирилди.

Бизнинг фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши – географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалаларини мувофиқлаштириб боришдир.

Шаҳримиздаги барча маҳаллалар ва кўчаларнинг номлари Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Урганч шаҳар филиали билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқиб, хатловдан ўтказилди. Маълумки, кейинги йилларда шаҳримизда аҳолининг турмуш шароитини, яшаш даражасини яхшилаш мақсадида ҳукумат дастурлари асосида кўплаб янги турар-жойлар барпо этилди. Ва бунинг натижасида,аёнки, янги кўчалар бунёд бўлди. Шунингдек, хатлов натижасида шаҳримизда 2 та такрорий кўча номлари борлиги аниқланди. Ана шундай янги 15 та янги кўчага ҳамда 2 та такрорий кўчаларга янги ном бериш масаласи ҳам тегишли тартибда кўриб чиқилиб, "Давергеодезкадастр" Давлат қўмитаси томонидан Экспертизага тақдим қилиниб,хулосалар олинди. Бугунги кунда уларни расмийлаштириш масалалари охирига етказилмоқда.

Шунингдек, бугун шаҳарда матбаачилик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарларига реклама ва баннерларни чоп этишда давлат тили қонуни талабларига қатъий риоя қилиниши бўйича шаҳар ҳокимининг махсус хати асосида топшириқлар берилди. Бундай корхоналар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатганмиз, зарур ҳолларда, шу реклама ва баннерлар ёзувларини чоп этмасдан олдин ҳамкорликда кўриб чиқиш амалиётини қўллаяпмиз. Мисол тариқасида "Мирзо ва Р", "Руслан Самадов", "Комплект" корхоналари билан ҳамкорликдаги ишларимизни келтириш мумкин. Бу ҳам албатта бирламчи нуқтада хатоликни бартараф этиш имконини беради.

Албатта, йиллар давомида тўпланиб қолган, ва эътибордан қолиб келган бу хатоликларни қисқа вақт ичида тўлиқ бартараф этиш қийин. Буни ҳам тўғри тушунишимиз керак. Аммо, муҳими, бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Тизимли ишлар бошланди. Чунки бунинг учун Вазирлар Маҳкамасида махсус тузилма ташкил этилди. Эндиликда мана шу тизим асосида олиб бориладиган ишлар албатта ўзининг ижобий самарасини беришига ишонаман.

Мен фурсатдан фойдаланиб, кенг жамоатчиликни, тилимиз тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг софлиги учун самимий, юракдан жон куйдирадиган фаолларимизни, ёшларимизни бу борада биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга чақириб қоламан. Шунингдек, барча идора ва ташкилотлар, корхоналар раҳбарларини, тадбиркорларимизни ташқи ёзувларнинг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни талабларига мос ҳолда бўлишига эътибор қаратишларини сўраб қоламан.

Миллатимизнинг ўзлиги,тарихи, бугуни ва келажагига дахлдор бўлган ушбу тилимиз байрами жорий йилнинг 21 октябрь куни юртимизда кенг нишонланади, бу бўйича вилоят ва барча шаҳар,туман ҳокимликлари томонидан 20 сентябрдан-10 ноябрга қадар ўтказиладиган тарғибот тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, барча давлат идора ва ташкилотларида, таълим ва тиббиёт муассасаларида, маҳаллаларда ушбу байрам юксак савияда ташкил этилади.

Ишонаманки, ўзбек тилимизни бор жозибаси билан асраш, уни миллатимизнинг,халқимизнинг ҳақиқий бойлиги сифатида улуғлаш ва келажак авлодларга етказиш ҳар бир юртдошимизнинг юрак амрига, эзгу ниятига айланади.

Сайёра САМАНДАРОВА,
Урганч шаҳар ҳокимининг давлат тилини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси,ф.ф.н, доцент

«ЁШЛАР ДАФТАРИ» ИШГА ТУШДИ

Ёшлар ишлари агентлиги Урганч шаҳар бўлими бошлиги тайинланганидан хабарингиз бўлса керак?! Бугунги сонда Агентлик бошлиги Темур Жуманиёзов билан айни кунларда амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ва келгусидаги режалар борасида суҳбатлашдик.

Ёшлар ишлари агентлиги Урганч шаҳар бўлими қандай янгиликлардан бизни бохабар қилмоқчи?

- Биз айни вақтда ишсиз ёшлар билан ишлашда "темир дафтар"лар сингари, янгича тартиб асосида "Ёшлар дафтар"ларини юритиш бўйича шаҳар ҳокимлиги, маҳалла ва бандлик бўлимлари билан биргаликда маҳаллалар кесимида ишсиз ёшлар рўйхатини шакллантириш ишларини бошлаб, уларнинг ҳар бири билан янгича тизим асосида манзилли ишлаш механизмларини белгилаб олдик. Шаҳарда "Ёшлар дафтари" юритилиши бўйича Ёшлар агентлиги Урганч шаҳар бўлими қошида махсус штаб фаолияти йўлга қўйилди.

Ўрганиш натижаларидан сўнг биринчи ўринда қайси масалалар долзарблигига кўра ҳал этилиши кўзда тутилган?

- Биринчи навбатда ишга жойлашиш ва даромад манбаига ўта муҳтож бўлган ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, шаҳардаги тадбиркорлик тармогида - ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик соҳаларида меҳнат қилиш ва ўз бизнесини ташкил этиш учун – 29,1 %

касб-ҳунарга ўқитиш тармогида – 26,8 %

ўзини-ўзи банд қилиш йўналишида (ПҚ-4247-сон Қарор)ҳақ тўланадиган жамоат ишларига – 14,6 %

бошқа йўналишларга – 29,5 %ни йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш бўйича ишлар ташкил этилмоқда.

Бу йил олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ёшлар масаласида нималар қиляпсизлар?

- Юқоридаги тартибда, олий таълим муассасаларига тест топшириб, кира олмаган 1 820 нафар ёшни ҳам Урганч шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда манзилли бандликни таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш учун режа ишлаб чиқилган. Асосан "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури асосида кредитлар бериш, касбга ўқитиш, мономарказларга йўналтириш, "Ёшлар келажагимиз" Давлат дастури орқали уларни муқим иш билан таъминлаш, ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш ишларига жалб қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ёшларни кафилликка олиш борасида қандай ишлар амалга оширяпсизлар?

- Билиб билмай жиноят кўчасига кириб қолиб, қамалган ёшларни кафилликка олиш Ёшлар иттифоқи ихтиёрида қолган. Бироқ биз ҳам Президентимизнинг Ёшлар ишлари агентлигини ташкил этиш тўгрисидаги Фармонида келтирилганлардан келиб чиқиб ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш учун бир қанча ишларни режалаштирганмиз. Бундан ташқари ҳуқуқ-таргибот органлари билан ҳамкорликда шаҳримиздаги чет элга ўқишга жўнатадиган марказлар фаолиятини кўздан кечиряпмиз.

Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур! Ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишдек маъсулиятли вазифангизда омад ва зафарлар тилаймиз! Таҳририятимизда яна кутамиз.

Эркин САМАРДАР
тарихий роман



ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ: ТУРОН ҚОПЛОНИ

«Султон Жалолиддин... Шиддат ва жасоратда тенгсиз паҳлавон, жасур саркарда, буюк Ҳоразмшоҳ, халқимизнинг ўлмас миллийқ аҳрамони. Не-не подшоҳлар Чингизхонга таслим бўлиб, оёғига пояндозлар тўшаганида Жалолиддин унга мардонавор қарши чиқди, ўн бир йил давомида Туркистон, Ҳиндистон, Эрон замин ва Қофқозда кучларни бирлаштириб, ҳуррият туғини баланд кўтарди, пойдор давлат тузишга, мўғул қўшинларини кетма-кет мағлуб этишга муваффақ бўлди. Романдаги асосий нарса жанг-жадаллар эмас, балки шундай бешафқат шароитда одамлар қандай йўл тутганликлари, уларнинг онг ва руҳиятида содир бўлган эврилишлар жозибасида, Озодлик ғоясининг мўъжизакорлигидадир»...

- Падари бузруквор, - юмшоқ гапиришаг уринарди Жалолиддин, - дангал сўзларим учун маъзур тутгайсиз, ҳали машваратда ҳам дедим, дағи айтурменким, бугунги Фармони олий салтанатни муқаррар таназзулга олиб боргай, элни пароканда айлагай. Ҳали ҳам кеч эрмас, падари бузруквор, жами лашкарни самарқанд яқинида – Катвон даштида жамулжам айлаб, ёғий устига юрмоғимга изн бергайсиз.

Алоуддин Хоразм-шоҳ ўғлидан бу гапларни биринчи бор эшитганида унга жавоб берган, бари қўшинни жам айлашнинг ҳожати йўқлигини тушунтирганди. Фармони олийдан кейин ҳам ўз айтганидан қолмаслигидан ранжиб, одати бўйича мўйловини бир силаб олди-да:

- Қайсарликни бас қил, - деди ўқрайиб, - оқимга терс бормоқ одатингдан кеч, машваратни юзига оёқ босма.

Туркон хотун бошлиқ бекларнинг ғаразли фикрлари машварат ҳукми бўлибдими. Эмишки, ҳар битта қалъа ўзини ўзи ҳимоя айласин. Яхлит бир салтанатни очкўз итнинг олдига бўлаклаб ташлашнинг ўзгинаси эмасми бу.

- Мени тўғри тушунгайсиз, падари бузруквор, - вазминлик билан деди Жалолиддин, - ёғий довул янглиғ бостириб келаётган асно оқимга қарши чиқмоқликдин ўзга чора бўлғайми. Бори лашкарни ўшал оқимга қарши отлантирмоқдин ўзга йўл йўқдур, аҳир.

Жалолиддин бори лашкар деганда, қудратли қўшин – Самарқанддаги олтмиш минг, бухородаги эллик минг, Урганждаги етмиш минг, жами беш юз минг аскарни назарда тутаётган эди. Оларни ягона муштга айлантирмай туриб Чингиз юмруғини синдириб бўлмаслигин англамасми. Ёв ила олишмоқлик санъатин билгири, не-не шоҳаншоҳу султонларни тиз чўктирган бу муаззам зот ақлу шуури ҳали ўтмаслашган эрмас. Шундоқ эркан, гап нимада эрур?

Ўғли кўнглидан ўтаётган ҳаёлларни шоҳ илғаб тургани боис, ёғийнинг машъум режасига қарши не тўсиқлар ҳозирлаганини унга эслатиб қўймоқчи бўлди.

- Самарқанд ва Бухоро деворларин зудлик ила қайта қурдирганим билурсен. Биргина самарқанд девори қурилишининг ўзинда олтмиш минг кишини кундузию кечаси ишлатганимдан огоҳсен. Қаламравимдағи тўрт юз эллик қалъанинг бари ана шундоқ, улар ўзини ҳимоя айлашга қодирдур.

- Ҳимоя дерсиз, падари бузруквор, - яна отага қарши борди ўғил, - салтанатни ёғийдин сақлагувчи нарса ҳимоя эрмас, билъакс ҳужум эканин ўзингиздин яхшироқ билувчи йўқтур. Хоразмни буюк салтанатга айтанлирғон ҳимоя эрмас, балки қақшатғич зарба бўлғонин ким билмайдур. Хусусан, Сизнинг довруғингизни оламга ёйғон ҳам ғолиблик туйғуси бўлғонин муаррихлар чин рақам этибдурлар. Энди Чингиздай ҳам қудратли, ҳам шайтони лаъин ёғий мўр-малахдай бостириб келаётганинда қалбингизда қалбингизда бир вақтлар ҳукм сурғон ўшал ғолиблик туйғуси ўрнин ҳимоя ҳисси эгаллаб олғанига ақлим бовар қилмас.

Ўғлининг фикрлари ҳақ эканини ота ичидан тан олиб турар, аммо Жалолиддин саройдаги ҳозирги вазиятни ҳисобга олмаётганидан афсусда эди. Шоҳнинг волидаи муҳтарамаси туркон хотун бошлиқ қипчоқ сардорлари, вазиру вузаро ҳокимят йўлин оёқ тираб талаб қилаётгани уни ўйлантириб қўйган, шунинг баробарида қулоғига ҳар куни қуюлаётган ақидаю таъкидларга ишониб ҳам қолган эди. Лекин оларнинг ҳам ниятларин яхши билур... Бинобарин, шаҳзода ҳам шу об-ҳаводан нафас олиб турар-ку. Нечун муросаҳа бормас, недин қайсарлиғ қилғай?

Шуларни ўйларкан, шоҳ ўғлини саройдан узоқлаштириш фикрига келди.

- Янги Фармони олийға бугуноқ имзо чекурмен, - деди жалолиддинга орқа ўгириб, - сени валиаҳдликдин махрум этгаймен. Бомиён вилояти ҳокимлиғиға тайин қилғаймен. Бугуноқ йўлга отлан. Ғазна ва онинг атроф-жавонибин ёғийдан ҳимоя айла.

Сўзга ўрин қолмаган эди. Шундай бўлсада: - Ҳимоя сиёсати юртни ҳароб айлагай, - деди Жалолиддин валиаҳдлик ҳақидаги гапни четлаб. – Сиз метин деган деворлар қулаб, қалъалар кунпаякун бўлажаги, одам қони дарё бўлиб оқажаги тақдирда бор эркан, ондин кўз юмиб бўлмағай. Сарой аҳли, майлига, доруссалтанаға, қалъаларға, беркиниб ўлтирсинлар, аммоки мен майдонға чиқмоқ аҳдимдин қайтмағаймен.

У отасига ортиқ гапирмади. Биринчи хатоси эмас, аҳир, бу шоҳнинг. Илк

саҳв-хато мўғул савдогарларининг Ўтрорда ўлдирилгани бўлди. Қалъа волийси сўзига учган шоҳ савдогарларни чингизхон жосуслари деб билди ва қатл эттирди.

Улар тўрт юз эллик киши эди. Мабодо савдогарларнинг бари жосус бўлганида ҳам бундоғ қилмаслиги – Чингизнинг қулига уруш учун важ-баҳона бермаслиги даркор эди-ку.

Энди эса шоҳ ҳимоя йўлин иҳтиёр этар. Воажаб!

Отаси ҳузуридан юраги қон бўлиб чиқди шаҳзоданинг.

Давоми келгуси сонда...

Ҳуқуқшунос бурчаги

Савол: Хусусий мулк ҳуқуқи муддати қанча муддатга берилади?

Жавоб: Қонунга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди.

Саволларга ҳуқуқшунос
Азамат МУРОДОВ жавоб берди.

Содир қилинган қонун бузилиш учун жавобгарлик қўлланилмаган жойда, адолат бўлмайди.

* * *

Чиройли ёзилган қонунлар амалда бажарилмаган ерда, тартиб бўлмайди.

* * *

Мансабдорлар ўз манфаати ила харакат қилган худудда, ривожланиш бўлмайди.



Муассис: Урганч шаҳар ҳокимлиги
Муҳаррир: Барно ЯҚУБОВА
Манзил: 220100, Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси 186. Тел: 228-67-69, Газета «Тезкор матбаа» МЧЖ да 1000 нусхада чоп этилди. Сотувда эркин нархда
Хоразм вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармасида ----- рақам билан 2020 йил 10 октябрда рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи 8033, Буюртма №---, ҳажми - 2 табоқ, қоғоз бичими А3, Босишга топшириш вақти 17-30, Газета таҳририят базасида саҳифаланди.